

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КУЗ КАСАЛЛИКЛАРИ КАФЕДРАСИ

«Тасдиқлайман»

куз касалликлари кафедраси мудири

проф. А.Ф. Икромов

Протокол № _____. 200__ й

«Тасдиқлайман»

ММХ нинг жаррохлик бўлими

раиси проф. Ф.Н. Нишанов

Протокол № _____. 200__ й

Даволаш факультети 5 курс талабалари учун куз касалликлари фани
буйича

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР УЧУН МЕТОДИК КУЛЛАНМА

МАВЗУ:

КОВОКЛАР, КУЗ ЁШИ АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ, КОНЪЮКТИВА
КАСАЛЛИКЛАРИ

АНДИЖОН

КУРС БУЛИМИ: КУЗ КАСАЛЛИКЛАРИ

МАШГУЛОТ МАВЗУСИ: Ковок, конъюктива касалликлари, ёш йуллари касалликлари, келиб чиқиш сабаблари, ташхис қилиш, даволаш ва олдини олиш усуллари.

МАВЗУНИ АСОСЛАШ

Ковокларнинг тузилиши уларни бажарадиган вазифаларига мослашган бўлиб, улар морфологик жihatдан 4 хил варақлардан ташкил топган. Тери ости ёғи нихоятда ривожланган, сийракдир. Шунга биноан турли таъсирлар натижасида ковок териси жуда тез шишади. Ковокда куйдаги касалликларни аниклаш мумкин: ковок абсцесси, говмичча – ковоклар киприкли киррасининг тери остидаги ёғ безчаларининг йирингли ялигланиши, мейбомиит – ковок тоғай ичидаги мейбомий безларининг ялигланиши, блефарит, халазион, сарамаз.

Конъюктива пастки ва юкори ковокларнинг ички сатҳини беркитиб ёпишиб ётади. Ковоклар шиллик пардаси – конъюнктиванинг ялигланиши конъюнктивит деилади. Улар уткир кечадигон ва сурункали хилда булади. Конъюнктивитларнинг вужудга келиш сабабларига карамай, умумий белгилар бир-бирига ухшайди – санчик сезади, ёт жисм тушгандаги каби сезги булади, куз сокасининг кон томирлари кенгаяди.

Куз ёши аъзолари ёш ишлаб чиқарадиган ва уни окизиб чиқарадиган қисмдан иборат. Куз ёши без ива куз ёши йулларининг ялигланиши купинча сурункали булади. Микроблар, бактерия, вирус ва замбуруглар тасири остида вужудга келади. Буларга организмнинг умумий сурункали касалликлари ва куз ёши йулларининг торайиши сабаб болади.

МАКСАД

Талабалар энг куп учрайдиган ковок, ёш йулини касалликларини келиб чиқиш сабаблари, ташхис қилиш, даволаш ва олдини олиш усуллари.

ТАЛАБА АМАЛДА БАЖАРИШИ КЕРАК

Талабалар ассистент ёрдамида ковок касалликларини аниқлаш усулларини урганиш керак.

Бармоқлар ёки ковок кутаргич ёрдамида ковокларни қуришни урганиши керак.

Куз ёш канали ва копчасини утказувчанлигини текшириш, куз ёш безини қуришни урганиши керак.

Конъюктива копчасига малхам қўйиш ва томчилаш усулларни урганиши керак.

Ковокни ва ёг безларни йулларини массаж қилишни урганиши керак.

Конъюктивадаги ёт таналарини пахтали тампон ёки игна ёрдамида олиб ташлашни урганиши керак.

Конъюктивадан суртма олишни урганиши керак.

ТАРБИЯ МАКСАДИ

Беморга тугри ташхис қўйиш, ҳамда назорат давомида даволаниш даражаси ва натижаси ҳақида тушинча олиш.

МАШГУЛОТ МАВЗУСИНИ ИНТЕГРАТИВ АЛОКАСИ

МАНБАЛАР	ДАРС МАВЗУСИ	ЧИҚИШ
Мейёридаги анатомия. Булим: Қурув органнинг тузилиши Худойбердиев А.Р. Гистология. Булим: Қурув органи Афанасьева Ю.А. «Куз касалликлари» Хамидова М.Х «Куз касалликлари» Ерошевский Т.И.	Ковоклар, куз ёши аъзолари касаллик- лари, конъюктива касалликлари	Офтальмология Бакалавр Умумий амалиёт шифокори. Магистр

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УТИШ РЕЖАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ КИСМИ

Машгулот даврлари	Вакт	Утиш жойи	Укув куроллари
Ташкилий кism.	5 мин.	Машгулотлар	Плакaтлар.
Буладиган дарсни муҳока- маси.	10 мин.	поликлиникада	Слайдлар.
Утган мавзуда талабарни билимини текшириш.	15 мин.	ёки шифохона	Видео материаллар.
Талабаларни ковок касaлликлари, ёш йули касaлликлари буйича билимини текшириш.	20 мин.	укув хоналари- да олиб бори- лади.	Офтальмоскоп.
Ковок касaлликлари хакида маълумот бериш.	15 мин.		
Танаффус.	5 мин.		
Ёш йули касaлликларини ташхис килиш, даволашни талабаларга тушунтириш.	15 мин.		
Талабаларни мустакил ишлари.	60 мин.		
Танаффус.			
Олинган маълумотларни гурух билан муҳокама килиш.	5 мин. 10 мин.		
Машгулот якуни.	10 мин.		

МУСТАКИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН САВОЛЛАР

Блефарит турларини айтинг?

Говмичча касалликларини асоратларини сананг?

Ёш копчаси флегмонасини даволаш усулларини айтинг?

Дакриоденит нима?

Сурункали йирингли дакриоциститни даволаш усулини айтинг?

Квинке иши хакида тушунча беринг?

Кандай ковок яллигланиши процессларини болаларда куриш мумкин.

Конъюктивитларда кандай бактериал флора купрок учрайди.

Адиравирусли конъюктивитда карантин неча кун давом этилади.

Трахома кузгатувчиси.

ДАСЛАБКИ НАЗОРАТ

Талабалар нормал анатомия ва гистология фанларидан ковоклар, куз ёши аъзолари ва конъюктива тузилиши хакидаги билимларини назорат килиш керак.

ДОИМИЙ НАЗОРАТ

Блефарит турларини айтинг?

Говмичча касалликларини асоратларини сананг?

Ёш копчаси флегмонасини даволаш усулларини айтинг?

Дакриоденит нима?

Сурункали йирингли дакриоциститни даволаш усулини айтинг?

Квинке иши хакида тушунча беринг?

Кандай ковок яллигланиши процессларини болаларда куриш мумкин.

Конъюктивитларда кандай бактериал флора купрок учрайди.

Адиравирусли конъюктивитда карантин неча кун давом этилади.

Трахома кузгатувчиси.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

1.Бемор чап ковогида секин катталашаётган усмасимон хосила борлигидан шикоят қилияпти. Об'ектив: чап юкори коввогининг урта унгдан бир қисмида думалок шаклда, нухат дони катталигидаги хосила бор, ушлаб курганда каттик, ковок тоғай соҳасида ёпишган, тери ҳаракатчанг. Ковок шиллик пардасида, хосила орқасида шиллик парда кизарган. Иккала кузнинг оптик қисмида патология йук. Сизнинг ташҳисингиз? Қандай даволашни тавсия қиласиз?

2.Бемор 4 ёшда. Кузни очолмаслик, ковоклар шишига. Анамнездан: отаси уйга кирганда ақасини қулида марганцовка идиши борлиги аниқланган. Об'ектив: ковоклар шишган, ёш оқиш бор, ковоклар ва куз олмаси шиллик қаватлар қорамтир рангда қуйган жойлар. Сизнинг ташҳисингиз? Қандай даволашни тавсия қиласиз?

ТЕСТ НАЗОРАТИ САВОЛЛАРИ

1.Ковок четларини ялиғланиши қандай айтилади?

- А) криптофтальм.
- Б) блефарит.
- В) блефарофимоз.
- Г) блефарохалазис.
- Д) ячмень (говмича).

2. Шиллик пардага тушган ёт жисм қайси йул билан аниқланади?

- А) ён томондан ёриғлик тушириб.
- Б) гониоскопия.
- В) танометрия.
- Г) Сивцев таблицаси ёрдамида.
- Д) рефрактометрия.

3. Шиллик парда функцияси?

- А) химоя.
- Б) химоя, озиклантириш.
- В) озиклантириш.
- Г) ёш суюклигини ишлаб чикариш.
- Д) куз ички суюклигини ишлаб чикариш.

4. Юкумли касалликларда ковокларда кандай узгаришлар аникланади ?

- А) кмзариш, шиш.
- Б) блефарит.
- В) флегмона.
- Г) ячмен (говмича).
- Д) кукариш, кичишиш.

5. Блефароспазм нима?

- А) мугуз парда ялигланиши.
- Б) ковок чеккаларини ялигланиши.
- В) корачини кичик булиши.
- Г) олдинги камерада кон булиши.
- Д) ковок ёрикларини кисилиши.

6. Ковоклар неча каватдан иборат?

- А) 2.
- Б) 3.
- В) 6.
- Г) 5.
- Д) 4

7. Ковок каватларини белгиланг?

- А) тери кавати.
- Б) мускул кавати.
- В) тогай кавати.
- Г) шиллик кавати.
- Д) хамма жавоб тугри.

8. Болалар ковокларида кандай яллигланиш жараёнлари булиши мумкин?

- А) микроблефарон.
- Б) блефарит, ячмень (говмича).
- В) криптофтальм.
- Г) блефарохалазис.
- Д) тугри жавоб йук.

9. Ковокни тугма касалликларини айтинг?

- А) криптофтальм.
- Б) колобома.
- В) эпикантус.
- Г) тугма птоз.
- Д) юкоридаги жавоблар хаммаси тугри.

10. Куз ковокларнинг яхши сифатли усмалари?

- А) колобома.
- Б) холазион.
- В) пигмент усмалар.
- Г) ретинобластома.
- Д) пигмент ксеродерма.

ЖАВОБЛАР

1. Б. 2. А. 3. А. 4. А. 5. Д. 6. Д. 7. Д. 8. Б. 9. Д. 10. Д.

АМАЛИЙ КУНИКМАЛАР РУЙХАТИ

Талабалар ассистент ёрдамида ковок касалликларини аниклаш усуллари.

Бармоқлар ёки ковок кутаргич ёрдамида ковокларни куриш.

Куз ёш канали ва копчасини утказувчанлигини текшириш, куз ёш безини куриш.

Конъюктива копчасига малхам куйиш ва томчилаш усуллари.

Ковокни ва ёг безларни йулларини массаж килиш.

Конъюктивадаги ёт таналарини пахтали тампон ёки игна ёрдамида олиб ташлаш.

Конъюктивадан суртма олиш.

МУСТАКИЛ ИШЛАРГА АЖРАТИЛГАН ВАКТ

Бармоқлар ёки ковок кутаргич ёрдамида ковокларни куриш, куз ёш канали ва копчасини утказувчанлигини текшириш, куз ёш безини куриш – 15 мин.

Конъюктива копчасига малхам куйиш ва томчилаш усуллари, ковокни ва ёг безларни йулларини массаж килиш – 15 мин.

Конъюктивадаги ёт таналарини пахтали тампон ёки игна ёрдамида олиб ташлаш – 15 мин.

Конъюктивадан суртма олиш – 15 мин.

МАШГУЛОТГА КЕРАКЛИ НАРСАЛАР

Плакатлар, слайдлар, видео материаллар, офтальмоскоп.